

---

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ТОШЛОҚ ТУМАНИДАГИ ЯНГИЙЎЛ МФЙДА “IT-ШАҲАРЧА” ТАШКИЛ ЭТИШ ИШЛАРИНИ БОРИБ КЎРДИ

Президентимизнинг 2024 йил 15 майдаги “Худудларда ёшларга рақамли технологиялар ва хорижий тилларни ўрганиш учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган “IT-шаҳарча”лар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида вилоятимизда ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Тошлоқ техник хизмат кўрсатиш техникумининг бино ва бўш ер майдонида мазкур шаҳарчани ташкил этиш режалаштирилган. Ҳозирда “IT-шаҳарча”ни ташкил этиш учун бинони қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа ҳужжатлари, қурилиш лойиҳа сметаси ишлаб чиқилди.

Вилоят раҳбари бу ердаги биноларни кўздан кечириб, намунавий лойиҳа асосида “IT-шаҳарча”ни қурилиш ва таъмирлаш ишларини муҳокама қилди, масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-09-14 15:26:22